

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Отабек Қудратович Алимардонов

Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг
янги тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тел.: 99 884 03 69

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) доирасида халқ дипломатиясини амалга оширишнинг назарий ва амалий механизмлари таҳлил қилинган. Муаллиф ислом оламидаги глобал геосиёсий жараёнлар, диний ва маданий ҳамжиҳатлик, шунингдек, Ўзбекистоннинг ИХТ доирасидаги ташаббуслари ва фаолиятига алоҳида эътибор қаратган. Мақолада халқ дипломатиясининг исломий меросга асосланган қирралари, замонавий глобал таҳдидларга жавоб сифатида унинг ўрни ҳамда ИХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: *Ислом ҳамкорлик ташкилоти, халқ дипломатияси, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, Ўзбекистон, ислом цивилизацияси.*

MECHANISMS FOR IMPLEMENTING PUBLIC DIPLOMACY WITHIN THE FRAMEWORK OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (OIC)

ABSTRACT

This article examines the theoretical and practical mechanisms for implementing public diplomacy within the framework of the Organization of Islamic Cooperation (OIC). It highlights the global geopolitical dynamics in the Muslim world, issues of religious and cultural solidarity, and Uzbekistan's initiatives and active role within the OIC. The study emphasizes the Islamic heritage as a foundation for public diplomacy, its relevance in addressing modern global challenges, and its significance in strengthening cooperation among OIC member states.

Keywords: *Organization of Islamic Cooperation, public diplomacy, solidarity, cooperation, Uzbekistan, Islamic civilization.*

МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ В РАМКАХ ОРГАНИЗАЦИИ ИСЛАМСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА (ОИС)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются теоретические и практические механизмы реализации народной дипломатии в рамках Организации исламского сотрудничества (ОИС). Особое внимание уделено глобальным геополитическим процессам в мусульманском мире, вопросам религиозной и культурной солидарности, а также инициативам и активности Узбекистана в деятельности ОИС. В статье раскрываются исламское наследие как основа народной дипломатии, её роль в противодействии современным глобальным вызовам и значение для укрепления сотрудничества между странами-членами ОИС.

Ключевые слова: Организация исламского сотрудничества, народная дипломатия, солидарность, сотрудничество, Узбекистан, исламская цивилизация.

КИРИШ

Бугунги кунда инсоният жаҳон миқёсида чуқур геосиёсий ўзгаришлар, турли цивилизациялар ва маданий маконлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳамда глобал таҳдидлар даврида яшамоқда. Халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун давлатлараро дипломатия билан бирга халқ дипломатияси (public diplomacy) ҳам тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки замонавий дунёда ташқи сиёсатнинг самарадорлиги нафақат ҳукуматлараро расмий келишувларга, балки халқлар ўртасидаги ишонч, маданий яқинлик, маънавий ҳамжиҳатлик ва мулоқот даражасига ҳам бевосита боғлиқдир.

Мазкур жараёнда Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) алоҳида ўрин тутди. Дунёдаги 57 та давлатни бирлаштирган мазкур тузилма мусулмон оламининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий манфаатларини ифода этувчи нуфузли халқаро институт сифатида шаклланган. ИХТнинг асосий вазифаларидан бири ислом мамлакатлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик механизмларини кучайтириш ҳамда жамиятлараро мулоқотни ривожлантиришдир. Бу эса ташкилот фаолиятида халқ дипломатияси воситаларини кенг қўллаш заруратини юзага келтиради.

Шу нуқтаи назардан, халқ дипломатияси ИХТ доирасида нафақат ислом цивилизацияси меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш, балки замонавий таҳдид ва хатарларга нисбатан умумий позиция ишлаб чиқиш, турли миллат ва

маданиятлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ёшлар, олимлар ва зиёлилар ўртасида кўп қиррали мулоқотни йўлга қўйиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон ИХТ аъзоси сифатида ташкилот фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Мамлакатимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар исломий меросни тарғиб қилиш, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик, туризм ва маданий алмашинувларни кучайтириш, экологик муаммоларга ечим топиш ва ёшлар дипломатиясини ривожлантириш каби йўналишларда яққол намоён бўлмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг ИХТ доирасида халқ дипломатиясини амалга оширишдаги ташаббускор ва фаол мавқеини кўрсатади.

Шу асосда мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида халқ дипломатиясини амалга оширишнинг назарий ва амалий механизмлари таҳлил этилади. Унда, аввало, исломий мерос ва маънавий қадриятларга асосланган халқ дипломатиясининг тарихи ва замонавий қирралари очиб берилади; иккинчидан, Ўзбекистоннинг ИХТ доирасидаги ташаббуслари ва амалий тажрибалари ўрганилади; учинчидан, глобал таҳдидлар шароитида ИХТ мамлакатлари халқ дипломатиясини самарали йўлга қўйиш учун зарур бўлган стратегик йўналиш ва механизмлар назарий жиҳатдан асосланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамоқдамиз.

Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Бошпанасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни бошдан кечирмоқда, қуролли қарама-қаршиликлар ва терроризм оқибатида гуноҳсиз болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётир. Охири кўринмайдиган урушлар туфайли кўплаб мамлакатлар вайронага айланмоқда.

Бундай шароитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик

ташкilotининг роли ва масъулияти янада ортмоқда. Ушбу ташкilotнинг фаолият кўламини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Бугунги кунда Ислом ҳамкорлик ташкilotи 1 миллиард 700 миллион аҳоли яшайдиган 57 та давлатни бирлаштирган дунёдаги энг йирик халқаро тузилмалардан биридир. Аъзолари сони жиҳатидан дунёнинг иккинчи йирик ташкilotи ҳисобланувчи Ислом ҳамкорлик ташкilotи (ИХТ)га 1969 йилнинг 25 сентябрида Марокашнинг Рабат шаҳрида асос солинган[1].

Ўтган вақт давомида ИХТ ислом дунёсининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатлараро ҳамкорлик платформасига айланди.

Бош қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган мазкур ташкilot 2011 йилгача Ислом конференцияси ташкilotи деб аталган.

Ислом ҳамкорлик ташкilotи ташкilot топишининг дастлабки сабаблари Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш, Қуддусни ҳимоялаш, Афғонистондаги мавжуд бўлган низоларни тинч йўллар билан бартараф этиш, мусулмон мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо алоқаларини фаоллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ривожлантириш, таълим соҳасини такомиллаштириш ва саводсизликни олдини олиш ҳамда ўша даврдаги тарқоқ араб ва мусулмон давлатларини бирлаштириш натижасида ислом жамиятига хавф солаётган таҳдидларга қаршиқ ураша оладиган амалий институтни барпо этиш, шунингдек мўътадил ва маърифий исломни тарғиб қилиш, уни ҳозирги воқеликка мослаштириш ҳисобланган[2].

ИХТнинг ҳозирги низоми 2008 йил 13-14 март кунлари Дакарда ўтказилган йиғинда қабул қилинган. Унга мувофиқ ташкilotнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Аъзо давлатлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ришталарини уйғунлаштириш;

- ислом оламида юзага келган муаммоларни ҳал этиш;
- давлатлар ички қонунларига ҳурмат билан ёндашиш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиш;
- ислом дини ҳақида турли ноҳақ ва ноҳўя маълумотларни бартараф қилиш;

- турли соҳаларда мамлакатлардаги институтлар билан илмий изланишларни ташкilot қилиш билан шуғулланади[3].

Ўзбекистон ИХТга 1996 йилда аъзо бўлганидан буён ташкilot билан савдо-иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда[4].

Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият юритмоқда.

Бу борада мамлакатлар ва халқлар ўртасида турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, нафақат ҳукуматлар, балки парламентлар, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутиши зарур. Айнан мана шу мақсадлар Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириши мумкин[5].

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) 2007 йилда Тошкентни, 2020 йилда эса Ўзбекистоннинг кўҳна ва боқий шаҳри – Бухорои шарифни Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилди. ИХТ мамлакатлари туризм вазирлари томонидан Хива шаҳри 2024 йилда “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинган.

Дунё ер юзаси, аҳоли сони ва табиий ресурслар бўйича Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг улуши катта бўлишига қарамасдан, халқаро сиёсатдаги таъсири жуда ҳам кичик. Бу ҳолатни қуйидаги рақамлар яққол тасдиқлайди: ИХТ аъзолари БМТ аъзоларининг 31,2 фоизини, дунё ер юзасининг 25,3 фоизини ва глобал аҳолининг 22 фоизини ташкил этади.

Дунёдаги энг йирик ёқилғи захиралари ИХТ аъзолари ҳудудида жойлашган бўлиб, энг муҳим савдо йўлаклари Ўрта Ер денгизи, Қизил денгиз, Босфор ва Қора денгиз, Малакка бўғози ҳам мусулмонлар яшайдиган ҳудудлар орқали ўтади.

Шу катта географик ва демографик имкониятларга қарамасдан, умумий хавфсизлик ва можароларни ҳал қилиш нуктаи назаридан ИХТнинг натижалари етарли эмас. Мусулмон давлатларда вакилликка асосланган, жавобгар ҳукуматларнинг йўқ ёки кам бўлиши яъни демократия тақчиллиги ИХТга аъзо мамлакатларнинг энг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим.

Масалан, 2017 йил ҳолатига кўра, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос.

Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган.

Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган ҳолос.

Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Дунёда энг ривожланган 20 та давлатлар (G-20) орасида 3 та мусулмон давлати бор ҳолос: Индонезия, Саудия Арабистони, Туркия.

Ислом оламида энг ривожланган 8 та (D-8) давлатлар қуйидагилар: Бангладеш, Индонезия, Малайзия, Миср, Нигерия, Покистон, Туркия, Эрон.

Дунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотлари (ЯИМ, ВВП) 62 трлн. АҚШ доллари таъкил этса, мусулмон олами ЯИМ 5 трлн. \$ ҳолос[6].

Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ислом мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, янги таҳдидларга нисбатан умумий мавқе ишлаб чиқиш ҳамда бағрикенг ва маърифий ислом ғояларини тарғиб этишга бўлган интилишлари ўз аксини топади.

Қуйидаги муҳим савол ҳамон долзарблигини сақлаб қолмоқда: ИХТ аъзо давлатлари даражасида халқ дипломатияси дастурларини қандай амалга оширамиз ва жорий этамиз?

Бу саволга жавоб топиш учун биз икки муҳим масалани таҳлил қилишимиз зарур:

Аввало, ИХТ тарихига ва умуман ислом тарихига назар ташлаш лозим. Бу орқали халқ дипломатияси соҳасидаги бой ислом меросидан самарали фойдаланиш имкони яратилади. Қуръони каримнинг “Хужурот” сураси 10-оятида **“Албатта, мўминлар биродардирлар”...[7]**, деган калимасига биноан ҳар бир мусулмон мўъмин борки бир бирига биродардир. Ушбу биродарлик ва дўстлик мўминлар ичидаги якка шахслар ёки давлатлар орасида ўрнатилиб, жамиятдаги умумий биродарлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга ҳамда бошқа кўпгина яхшиликларга хизмат қилади. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ҳам ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муносабатларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари билан уйғунлаштиришдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло “Анфол” сураси 63-оятида: **“Агар ер юзидаги ҳамма нарсани сарф қилсанг ҳам, уларнинг қалбларини улфат қила олмас эдинг. Лекин Аллоҳ уларни улфат қилди”[8]** деган. Инсоният тарихида турли халқлар, қабила-уруғлар ва миллатларни исломчалик дўст ва биродар қилган - бирлаштирган тузум ёки мафкура йўқ. Кишилар қалбидан Ислом муносиб ўрин олган жойларда ва замонларда миллатчилик, маҳаллийчилик ва

тарафкашликнинг салбий кўринишлари тамоман йўқолган. Чунки Ислом биродарлиги ирқ, насаб, тил, қабила, қавм асосида эмас, балки, Аллоҳга муҳаббат ва тақво асосида бўлади. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ҳам энг катта ютуғи бу Ислом динидир. Муқаддас динимиз халқларни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нараса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Иккинчидан, бир қатор мусулмон мамлакатларининг олимлари, зиёлилари ва ижтимоий-сиёсий соҳа арбоблари гуруҳи мусулмонлар манфаатлари йўлида жаҳон миқёсида фаолият кўрсатадиган доимий ташкилот тузиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббус дарҳол қўллаб-қувватланди ҳамда бу таклифни рўёбга чиқариш учун барча ишлар амалга оширилди[9].

Учинчидан, бугунги дунёда етакчи давлатлар ўз халқ дипломатияси стратегияларини қандай амалга ошираётганини ўрганиш зарур. Бу уларга хос муваффақиятсизлик ва камчиликлардан хулоса чиқариб, уларнинг ютуқли тажрибаларини такрорлаш ва шу орқали яхшиланган, самарали исломий жамоатчилик дипломатияси стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради[10].

Бугунги интернет, алоқа ва ошкоралик даврида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар, барча мамлакатларда бўлгани каби, халқ дипломатиясидан самарали восита сифатида фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу дипломатия нуқтаи назаридан, ИХТга аъзо мамлакатлар фаолиятини икки тоифада баҳолаш мумкин: биринчиси ислом мамлакатлари ўртасидаги фаолият, иккинчиси бошқа цивилизацияларга нисбатан олиб борилаётган фаолият.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари халқ дипломатияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

1-жадвал

<i>Тадбирлар ва учрашувлар санаси ва жойи</i>	<i>Мақсад ва вазифаси</i>	<i>Халқ дипломатиясига алоқаси</i>
<i>2016 йил 18–19 октябрь, Тошкент шаҳри, ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43- сессияси[11]</i>	«Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл», Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташkil этиш.	Имом Бухорий меросини тарғиб қилиш орқали ислом оламида Ўзбекистоннинг маънавий нуфузини мустаҳкамлаш; турли мамлакат олимлари билан мулоқот орқали маданий-руҳий яқинлашувни таъминлаш.
<i>2017 йил 10 сентябрь,</i>	Илм-фан, таълим ва ишлаб	Ал-Хоразмий каби буюк

<i>Остона, ИХТ фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити</i>	чиқариш ўртасида интеграция; Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб ёш математиклар ўртасида халқаро олимпиада ташкил этиш[12].	алломалар меросини ёш авлодга етказиш; Ўзбекистоннинг илмий-ташаббуслари орқали мусулмон мамлакатлари ёшларини бирлаштириш.
<i>2022 йил 18 август, Жидда, Президент Ш. Мирзиёевнинг ИХТ Бош қотиби Ҳусайн Иброҳим Тоҳа билан учрашуви[13]</i>	Ўзбекистон ва ИХТ ҳамкорлигини ривожлантириш, минтақавий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш.	Ислом дунёсида Ўзбекистоннинг ташаббускор дипломатик имижини мустаҳкамлаш; диний ва маданий ҳамжиҳатлик орқали халқлар ўртасида ишончни кучайтириш.
<i>2024 йил, Хива, ИХТ Туризм вазирлари конференцияси (XII сессия)</i>	“Туристтик индустрияни барқарор ривожлантириш” мавзусида халқаро ҳамкорликни кучайтириш.	Хива каби жаҳон цивилизацияси марказларини тарғиб қилиш; ислом давлатлари ўртасида туризм орқали халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш.
<i>2024 йил 27–29 июнь, Самарқанд, ИХТ Ёшлар форуми</i>	Ёшлар ўртасида маданий, илмий ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш.	Ёшлар дипломатияси орқали халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни кучайтириш; Самарқанднинг тарихий-маънавий меросини халқаро миқёсда тарғиб этиш.

Ўзбекистон томони ИХТни муқаддас динимизни тинчлик ва тараққиёт омили сифатида эътироф этадиган ислом дунёси мамлакатларининг нуфузли ва самарадор форуми сифатида эътироф этади. Шу боис мазкур Ташкилотнинг мустаҳкамланиши ва ўзаро муносабатларимиз изчил раванқ топишидан манфаатдор.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотида алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз илгари сураётган лойиҳа ва дастурлар ИХТга аъзо мусулмон мамлакатлари томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келмоқда.

ИХТ саммитлари ва ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг йиллик сессияларида мамлакатимиз расмий делегациялари мунтазам қатнашиб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ билан ҳамкорлиги фаоллашди ва ўзаро муносабатларнинг янги босқичига кўтарилди.

Шу боис Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасида халқ дипломатияси соҳасида устувор йўналишларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий,

инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон мазкур ташкилот билан савдо-иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор.

Иккинчидан, ушбу нуфузли халқаро тузилма ҳозирги замон хатарлари шароитида ислом қадриятларини асраб-авайлаш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мавжуд ёки юзага келаётган зиддият ва тўқнашувларни тинч йўл билан, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари асосида сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифадир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилот фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Шу боис ҳам Ўзбекистон таълим, фан, инновациялар соҳаларида, иқлим ўзгариши масалаларида ИХТ билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашишни фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишни таклиф этади. Бу борада Ўзбекистон фан ва таълим соҳаларида бой салоҳиятга эга, бу эса ИХТга аъзо ривожланаётган давлатларда ёшларни ўқитиш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини очиши мумкин. Фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

2017 йил Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида Ўзбекистон

томони илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни таклиф этган эди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон – буюк мутафаккирлар ва олимлар юрти, муқаддас қадамжолар, тарихий ёдгорликлар маскани. Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги бетакрор, муқаддас қадамжолар Ислом дунёсига тегишли. Бу эса ИХТга аъзо мамлакатларда зиёрат туризмни ривожлантириш имконини беради. 2023 йилда ИХТ мамлакатларига хорижий сайёҳлар оқими сезиларли даражада тезлашиб, сони 224 миллионга етган бўлса, юртимизга 7 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрган. Ички туризм йўналишида 21 миллион саёҳат амалга оширилган. Туризм хизматлари экспорти 2,1 миллиард доллардан ошиб, умумий хизматлар экспортининг 40 фоизни ташкил қилган.

Туризм соҳасида 2024 йил ҳолатига кўра 370 минг кишининг бандлиги таъминланган. Туризм хизматлари диверсификация қилиниши эвазига хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда ўртача қолиш муддати 2017 йилдаги 3-4 кундан 8-10 кунгача узайтирилди.

2024 йил Хивада ИХТ Туризм вазирлари ислом конференциясининг “Туристтик индустрияни барқарор тарзда ривожлантириш” мавзусидаги XII сессияси ташкил этилди. Конференция доирасида 57 мамлакатдан келган делегатлар Хиванинг бетакрор тарихий ёдгорликларини зиёрат қилишди. Хоразм вилоятининг Урганч туманида жойлашган “Улли ҳовли” тарихий мажмуасига пресс -тур ташкил қилинди.

– *Биз Хивада эканлигимиздан жуда ҳурсандмиз. Чунки Хива чиройли ва бетакрор шаҳар. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва ўзига хос урф-одатлари бор. Бу бизни ҳудди ўз уйимиздек ҳис қилишимизга сабаб бўлди, – дейди Синегал туризми қўллаб-қувватлаш ташиклоти директори Муҳаммадау Фал[14].*

Вазирлар конференцияси доирасида Хива шаҳрининг “Ичан-қалъа” давлат музей қўриқхонасида “Паҳлавон Маҳмуд – Баҳодирлар ўйини” халқаро очик турнири ўтказилди. Унда 15 давлатдан етакчи спортчи-паҳлавонлар 10 та йўналишда беллашишди.

Шунингдек, халқаро анжуман доирасида “Ислом дунёсининг муқаддас қадамжолари” мавзусида рангтасвир асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Экспозициядан жой олган 56 дона ноёб рангтасвир асарида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлардаги энг муқаддас қадамжолар – масжид, мадраса, мақбара ва зиёратгоҳлар акс этган.

Бешинчидан, ташкилот доирасида Афғонистон халқига гуманитар кўмак кўрсатиш масаласи ҳам муҳим ва алоҳида эътибор қаратиладиган мавзудир. Термиздаги логистика марказини ривожлантириш орқали ушбу мамлакатга инсонпарварлик ёрдамини етказиш, Термиздаги Афғон ёшлари учун таълим маркази фаолияти муҳим ҳамкорлик йўналишлари ҳисобланади.

Олтинчидан, Орол минтақасидаги экологик муаммоларни ҳал қилишда ИХТ билан ҳамкорлик. Бу борада ИХТ Исломободда ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган Оролбўйи ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлиги тўғрисидаги резолюцияларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

“Орол денгизи ва Чад кўлининг қуриши бир-бирига ўхшаши муаммолардир, ушбу глобал экологик хатарларни бартараф этиши халқаро ҳамжамият ва молиявий институтларни жалб қилишга қаратилган умумий ҳамкорликни тақозо этади”, деган эди ИХТ Бош котиби Ҳусайн Иброҳим Тоҳа.

Еттинчидан, Ташкилотга аъзо мамлакатлар ёшларини ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш. ИХТ макони дунёдаги энг кўп ёшлар яшаётган улкан ҳудуд ҳисобланади. Тахминларга қараганда, 2050 йилга бориб бутун дунё ёшларининг учдан бир қисмини ИХТ мамлакатларидаги ёшлар ташкил этади.

2024 йил 27-29 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Очилиш маросимида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар делегация раҳбарларининг кириш сўзлари тингланди. Форум 2 та сессия асосида ташкил этилди: 1-сессия: “Гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий билим ва касбларни эгаллашлари учун шароит яратиш орқали ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш”; 2-сессия: Ёшлар призмаси орқали глобал муаммоларни ҳал қилиш: Биз бу дунёни яхшироқ жойга айлантирамиз.

Форум доирасида “Исломда ёшлар таълим-тарбиясига эътибор”, “Ҳозирги замон ва анъанавий кадриятлар”, “Ўзбекистон – буюк алломалар диёри”, “Ўзбекистонда ёшлар учун амалга оширилаётган ислохотлар”, “Имом Бухорий илмий меросида шахс ижтимоий тарбияси асослари” каби мавзуларда маърузалар тингланди. Форум якунида “Ислом дунёси ёшлари боғи” дарахт экиш маросими бўлиб ўтди[15].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ИХТ доирасида халқ дипломатиси алоқаларини мустаҳкамлаш муқаддас ислом кадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига

кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришишга хизмат қилади. Бунинг учун эса ташкилот доирасида нафақат расмий ҳамкорлик қолаверса, жамоатчилик (олимлар, тадбиркор ва бизнесменлар, ёшлар ва бошқалар) алоқаларини ҳам самарали йўлга қойиш лозим бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) доирасида халқ дипломатияси механизмларини ривожлантириш нафақат мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, балки глобал миқёсда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Халқ дипломатияси ислом цивилизациясининг маънавий мероси ва инсоний қадриятларига таянади ҳамда халқлар ўртасида ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди.

ИХТ доирасида халқ дипломатиясини амалга ошириш замонавий глобал таҳдидларга жавоб беришнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлмоқда. У диний ва маданий бағрикенглик, биродарлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб қилиш орқали трансмиллий низоларни юмшатиш имконини яратади.

Ўзбекистоннинг ИХТ фаолиятидаги ташаббуслари (Имом Бухорий меросини тарғиб қилиш, илмий ҳамкорлик, ёшлар дипломатияси, туризм, экология ва гуманитар масалалардаги қадамлар) халқ дипломатиясининг амалий кўринишларидан бири сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Ислом дунёси катта демографик ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлишига қарамай, илм-фан ва технологиялар соҳасидаги ортда қолиш ҳолати ИХТ мамлакатлари учун асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса халқ дипломатияси воситалари орқали ёшлар, олимлар ва зиёлилар ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйиш заруратини юзага келтиради.

Халқ дипломатиясини самарали амалга ошириш ИХТнинг халқаро имижини мустаҳкамлаш, унинг глобал сиёсатдаги нуфузини ошириш ҳамда ислом цивилизациясини маърифий ва тинчликпарвар йўналишда намоён этишга хизмат қилади.

Таклифлар. ИХТ доирасида халқ дипломатияси стратегиясини алоҳида дастур сифатида қабул қилиш, унда таълим, маданият, туризм, ёшлар ва ахборот соҳаларига устувор аҳамият бериш.

Ўзбекистон ташаббуси билан ИХТ Халқ дипломатияси маркази ёки Ислом дунёси мулоқот майдонини ташкил этиш ва унинг доирасида мунтазам илмий-амалий форумлар, конференциялар ва ёшлар саммитларини ўтказиш.

ИХТ аъзолари ўртасида қўшма медиа платформалар (телевидение, ахборот порталлари, рақамли тармоқлар)ни йўлга қўйиш орқали исломий маънавий мерос, бағрикенглик ва ҳамжихатлик ғояларини кенг тарғиб қилиш.

ИХТ мамлакатлари ёшлари ва олимлари учун академик алмашинув дастурлари ва ҳамкорлик грантларини ташкил этиш, илм-фан ва инновация соҳасида интеграция жараёнларини кучайтириш.

Исломий қадамжолар ва тарихий мерос объектларини тарғиб қилиш орқали зиёрат ва маданий туризмни ривожлантириш, шу орқали халқлар ўртасида маданий яқинликни кучайтириш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Тарихда бугун: Ислом ҳамкорлик ташкилотига асос солинди // <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-hamkorlik-tashkiloti/>
2. Final Communique. // XXI Islamic Conference of Foreign Ministers (Session of Islamic Unity and Cooperation for Peace and Progress). – Karachi, 1993, 25-29 Apr. – P.11, Кутб С.О социальной справедливости на основе Корана. // Россия и мусульманский мир, - М.: ИНИОН, 1998. - № 4(70). – С.120.
3. Ислом ҳамкорлик ташкилоти. <https://dkm.gov.uz/uz/islom-amkorlik-taskiloti>
4. Ўзбекистон Президенти Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби билан амалий шерикликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди // <https://president.uz/uz/lists/view/5434>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи
6. Ғафуров У. Халқаро ислом ташкилотлари фаолияти. <https://oliymahad.uz/17157>
7. Қуръони карим “Хужурот” сураси 10-оят. https://quranenc.com/uz/browse/uzbek_sadiq/49
8. Мансур А. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, “Анфол” сураси, 63-оят.
9. Ишматбеков Х. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг шаклланишига омил бўлган тарихий вазиятлар ва шаклланиш жараёни Б.-617-619.
10. Dr. Muharrem Hilmi Özev Public Diplomacy in the OIC Countries // This book is composed of the papers presented in the “2nd Think Tanks Forum of the OIC Countries” which was held on 30-31 March, 2011 in Istanbul/Turkey under the main theme “Public Diplomacy” – Istanbul 2012. – P 65.

11. Акмал Саидов. «Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан алоқалари фаоллашди». <https://xabar.uz/jamiyat/akmal-saidov-ozbekistonning-islom-hamkorlik>
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/1018>
13. Ўзбекистон Президенти Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби билан амалий шерикликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди. <https://president.uz/uz/lists/view/5434>
14. Шокиров А., Мадаминова М. Хива шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Туризм вазирлари ислом конференциясининг XII сессияси бўлиб ўтди. za.uz/uz/posts/hiva-shahrida-islom-hamkorlik-tashkiloti-turizm-vazirlari-islom-konferenciyasining-hii-sessiyasi-bolib-otdi_604279
15. 27–29-iyun kunlari Samarqand shahrida IHT yoshlar forumi bo'lib o'tdi. <https://dunyo.info/uz/mir-ob-uzbekistane/27%E2%80%9329-iyun-kunlari-samar%D2%9B-and-sha%D2%B3rida-i%D2%B2t-eshlar-forumi-b%D1%9E-lib-%D1%9Etdi>